



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 31 август, сешанба № 142 (1775)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЯНГИ ИНШОТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида пойтахтимизда янги ва раво кўчалар, транспорт харақати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган, айна пайтда кўшимча харажат ва вақтни тежаган ҳолда турли мавзе ва кўчаларни бир-бири билан боғлайдиган замонавий кўприклар бунёд этилмоқда.



Истиқлол байрами арафасида Тошкентнинг Амир Темури кўчаси билан Хусниддин Асомов кўчаси кесишган чорраҳада янги кўприк фойдаланишга топширилди. «БошланЛИТИ» институти мутахассислари лойиҳаси асосида «Ағона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмасига мувофиқ «Кўприк-курилиш» ҳамда «Шаҳаркурилиш» трести бунёдкорлари бу юмушни етти ойда бажарди.

Президент Ислон Каримов 29 август кунини мазкур кўприкни бориб кўрди.

Мамлакатимиз раҳбари қурувчи ва лойиҳачилар билан суҳбат чоғида Тошкент кичик халқа йўлининг узвий


клиника хизмат кўрсатадиган ҳудуд тўққиз участкага бўлинган. Хар бир участка оилавий шифокорига қарийб 200-250 оила бирктирилган. Поликлиникага қатнайдиганларнинг умумий сони 25 миң кишини ташкил этади. Шифокорлар уларга режали равишда малакали тиббий хизмат кўрсатади. Эътиборли томони, мазкур оилавий поликлиника кун ишлайди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлигини мустаҳкамлаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бўлиб қолаверишини таъкидлади. Зеро, аёл соғлиги - миллат соғлиги, жамият камолидир.

Истиқлол байрами арафасида юртимизда еттидан кўшма корхона ишга туширилди. Шулардан бири «Сағбонтекстиль» кўшма корхонасидир. Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Туркиянинг «Седат текстиль» фирмаси ҳамкорлигида ташкил этган мазкур корхонанинг ишга тушиши 320 кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Мамлакатимиз раҳбари ана шу корхона фаолияти билан танишди.

Кўшма корхонада бир йилда 1,8 миллион дона трикотаж маҳсулотлари тайёрланади.

Ислон Каримов янги кўшма корхонада меҳнат қилаётган аёллар билан суҳбатлашди, уларнинг иш ша-



роити, ижтимоий муҳофазаси билан қизиқди. Мана шундай замонавий иш жойларини яратиш орқали хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини янада оширишимиз лозим, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Мустақиллик майдони рўпарасида қад роятлаган яна бир кўркем сарой - Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси пойтахтимизнинг қиёфасига янги мазмун бахш этди, гўзал қирралар билан бойитди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки буюртмаси билан Туркиянинг «AY SEL Construction, Contracting and Trade Co.Inc» ширкатидан барпо этилган ушбу санъат иншоотининг қиёфаси ва шакли шайишга беназир, мақсад ва аҳамияти эса беқиёс.


Юртбошимиз Истиқлол байрамини муносиб тўхфа бўлган мазкур галереяни бориб кўрди.

Ислон Каримов галереяни

рассомларимизнинг ёрқин асарларини жаҳонга намойиш этишга хизмат қиладди. Мамлакатимиз раҳбари галереянинг моҳияти ҳақида сўзлар экан, у тула маънода фаолият юритиши учун катта журъат ва азму шижоат талаб этилишини таъкидлади. Чунки галереяга жуда юксак талаблар қўйилди. Хар бир галерея ўша жамиятнинг савиясини, даражасини, кўзлаган мақсадларини ифодалайди, десак хато бўлмайд.

Президент Ислон Каримов кўп бор таъкидлаганидек, иқтисодий ривожланиш йўлидаги эзгу ишлар маънавий юксалиш харақатлари билан чамбарчас, уйғун олиб борилмоғи даркор. Истиқлолнинг 13 йиллигига муносиб тўхфа сифатида фойдаланишга топширилган мазкур галерея ва бошқа иншоотлар шу тамойилга асосланган сиёсатимизнинг яна бир ифодаси, анжироғи, самараси десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

(УзА)



Иктидорли шахматчиларга мамлакатимиз раҳбарининг совғаси - компьютерлар топширилди.

Президентимиз бир неча йил бурун Рустам Қосимжоновга ҳам компьютер ҳада қилган эди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан руҳланган Рустам ўшанда жаҳон шахмат тоғини Ўзбекистонга олиб келишига ваъда берган эди. У ваъдасининг устидан чиқди. Бунга бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди.

Умид қиламизки, вақти келиб Сирожидин ҳам, Тимур ҳам ана шундай юксак ютуқларга эришади. Ватанимиз доғруғини оламаро янада кенгроқ таратишга уларнинг муносиб улушини кўшадилар.

(УзА)

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бугун дунё ахли ўзбекистонлик ёш шахмат усталининг ақл-заковатига, салоҳияти ва маҳоратига тан бермоқда. Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони тоғини кўлга киритиши бунинг аққол мисолидир.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

«Германияда ўтган жаҳон чемпионатида голибликни кўлга киритганини эшитиб, беҳад хурсанд бўлдим, - дейилди Юртбошимизнинг С.Зайнидиновга йўллаган табриғида. - Агар одам ўз олдида аниқ мақсад қўйиб, бу йўлда қийинчилик ва машаққатларни ирода ва сабот билан енгиб, қатъият билан олға интилса, ҳеч шубҳасиз, кўзлаган марраларига, албатта, етади. Сен эришган бу юксак галаба мана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Сени тарбиялаб вояга етказган ота-онанга, истеъдодингни рўбга чиқаришда беминнат рағбат қилган устоз-мураббийларингга миннатдорлик билдираман.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Сенга ҳаётда ва спортда бахт ва омадлар тилаймиз.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Юртбошимиз Тимур Гареєвини ҳам ўз иктидори орқали жаҳон узра Ўзбекистонимизни яна бир бор намоён қила олгани билан санимий кутлаб, келгусида янада улкан зафарлар ёр бўлишини тилаган.

ОЛИМПИДАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗГА АЖОЙИБ СОВҒАСИ

СПОРТЧИЛАРИМИЗ АФИНАДАН ҚАЙТДИ

Греция пойтахти Афинада ўтган XXVIII ёғзи Олимпиада ўйинларидан қайтган спортчиларимиз 30 август кунини Тошкент аэропортида тантанали кутиб олинди. Тадбирда спорт мутасаддилари, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Юртдошларимиз Олимпиаданг икки олтин, бир кумуш ва икки бронза - жами беш медални кўлга киритиб, Истиқлол байрами арафасида Ватанимизга ёрғу юз билан қайтди. Жаҳоннинг икки юздан ортиқ мамлакатидан келган 16 миңдан ортиқ спортчи орасида вакилларимиз умумжамоа ҳисобида 34-ўринни эгаллади. Бу ўтган Олимпиададагилардан анча юқори кўрсаткичдир.

Маросимда спортчиларимизнинг бундай муваффақиятлари мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш ва спортчиларга берилаётган улкан эътибор самараси эканлиги алоҳида таъкидланди. Ана шундай ғамхўрлик туйғули Олимпиада чемпиони деган юксак унвонни кўлга киритган Оксана Чусовитина, Роза Галиева, Лина Черязова, Мухаммадқодир Абдуллаев каби истеъдодли спортчилар қаторига энди янги номлар қўшилди. Афинада Александр Доктурашвили ва Артур Таймазов юнон-рум ҳамда эркин курашда ўз вази тоифасида жаҳонда тенгсиз эканини исботлади. Уларнинг юксак галабаси шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, миллий байроғимиз кўтарилганда, қалбимизда ифтихор туйғулари жўш ўрди.

Эркин кураш устаси Магомед Иброҳимов, боксчиларимиз Баҳодир Султонов ва Уткирбек Ҳайдаров ҳам Олимпиада совриндорлари қаторидан жой олди.



ГАЛАБА НАШИДАСИ

XXVIII ёғзи Олимпиада ўйинларининг сўнги кунлари ҳамюртларимиз учун омадли келди. Энг қувончлиси, нуфузли мусобақанинг юнон-рум кураши бўйича 74 килограмм вази тоифаси баҳсларида иштирок этган матонатли спортчимиз Александр Доктурашвили Ватанимизга илк олтин медални тўхфа этди!

Александр Доктурашвили Олимпиада ўйинларида қадар бир неча халқаро мусобақаларда катнашиб, ўзининг маҳоратли кураши эканлигини исботлаган эди. Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритган Александр 1999 йили Руминияда бўлиб

ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза медали совриндорига айланди. 2001 йил унинг учун янада омадли келди. Грецияда ўтказилган катталар ўртасидаги Европа чемпионатида зафар кучди. Кўшни Қозғистоннинг Алматы шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионатида ҳам унинг кўксини олтин медал бегади.

Шу боис бўлса керак, жаҳон миқёсидаги энг нуфузли мусобақа ҳисобланган Олимпиада ўйинларида А.Доктурашвилига катта умид билан қараган эди. Матонатли спортчимиз мураббийлигида мутасаддилар, қолаверса халқимиз ишончини тула оқладди. Таниқли мутахассис Комил Фатуллин ва касоба уюшмалари Олимпиада захиралари спорт мактаби катта мураббийи Равил Биктяковлар мураббийлигида юнон-рум кураши сирларини ўрганиб, камолга етган истеъдодли полвон Афина Олимпиадаси голиби деган шарафли номга сазовор бўлди. Узи таъкидлаганидек, она Ватан ишончи, устозлар ўғити, галабага бўлган интилиш, иштиёқ унга бемисл куч-қувват, матонат бағишлади. Хар бир беллашувдаги бетакрор

галаба Александрнинг Олимпиада пиллаюялари сари дадил одимлашга хизмат қилди. Бинобарин, у мусобақанинг саралаш босқичида венгриялик жаҳон вице-чемпиони Тамаз Берзидани, озарбойжонлик Вугар Асланов ва мезбонлар вакили Алексисос Колитсопулосларни мағлубиятга учратди. Айниқса, финал йўлланмаси учун кенган баҳс курашчимизнинг бир умр ёдидан чиқмас керак. Сидней Олимпиадаси голиби, икки карра жаҳон чемпиони россиялик Валтераз Самургашев мағлуб этилганда ўзбекистонлик спортчининг маҳоратига бутун жаҳон спортсезварлари тан беришди. Халқилувчи баҳсда эса яна бир тақрибали курашчи, Сидней Олимпиадаси совриндори ва Жаҳон чемпиони Марко Йили-Ханнусела (Финляндия) устидан 4:1 ҳисобида голиб чиқди.

Бир сўз билан айтганда, бу ўзбек спортининг оламшумул галабаларидан бири бўлиб, юртимиз спортчиларининг нималарга қодир эканлигини бутун жаҳон аҳлига намойиш этди.

Улуғбек ПўЛАТОВ, Тошкент шахар касоба уюшмалари Кенгаши етакчи мутахассиси



УШАЛГАН ОРЗУ

Ўзбекистонлик Артур Таймазов Олимпиада чемпиони! Бу хушхабар серкўеши дийримиз бўйлаб тез тарқалди. Моҳир курашчимиз Александр Доктурашвилидан сўнг Артур Таймазовнинг эркин кураш бўйича Олимпиада олтин медалини кўлга киритганлиги ҳақидаги хушхабар қалбларимизни фаҳр-ифтихор туйғуларига ила қулғанди. Агар инсон ўз мақсади сари дадил интилса, ўзини хар томонлама масъулиятли беллашувларга тайёрлай олса, албатта ниятига етишини голиб курашчиларимиз мисолида аққол кўрдик.

Едингизда бўлса Таймазов 2000 йили Сиднейда ўтказилган XXVII ёғзи Олимпиада ўйинларида ҳам пухта тайёрларнинг таъкидлашча, ўзига гоғтада талабчан, интизомли

спорт устаси, Осиё ва Жаҳон чемпиони, катор халқаро турнирлар голиби Олимпиада чемпиони бўлишдек улкан бахтга мушарраф бўлди. Афина гилавларида 120 килограмм вази тоифасида кураш тўшиб, барча рақибларини мағлуб этди. Унинг шаънига олқишлар янгради. Полвонимиз бу ажойиб галабаси билан мустақил Ўзбекистонимиз обрўсига-обрў қўшди.

Камол ОЛЛОЕВОВ, «Ишонч» муҳбири



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз. Юз йиллар мобайнида халқларимизни мустақкам дўстлик, самарали иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ришталари боғлаб турибди. Бугунги кунда икки томонлама муносабатлар тобора мустақкамланиб, бойиб бормоқда, янги истиқболлар касб этмоқда. Россия билан Ўзбекистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома қондаларини рўбга чиқариш ана шу муносабатларни ривожлантиришга жиддий омил бахш этади.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим омил бўлиб қолаверади.

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич, Сизга сўхат-саломатлик, бахт-саодат ва давлат ишларидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва омонлик тилаймиз.

Эхтиром ила, Владимир ПУТИН, Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган куннинг 13 йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Президентининг ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларини ва Ўзбекистон Республикасининг дўст халқини муборакбод этаман.

Ўзбекистон Республикаси халқи ўн уч йил мобайнида Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлиги остида ўз мамлакатининг миллий хусусиятларига мос тарздаги тараққиёт йўлидан муттасил олға бормоқда, ички барқарорлиқни қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда, миллий иқтисодиётни ривожлантириб, ташқи алоқаларни кенгайтирмоқда ва гоғт катта муваффақиятларни кўлга киритмоқда. Бунга биз чин қалбдан қувонмоқдамиз.

Хар икки томоннинг муштарак саъй-харақатлари туйғайли Хитой-Ўзбекистон муносабатларида соғлом ва барқарор ривожланишдан иборат қулай йўналиш кузатишмоқда. Яқинда юртингизга ташриф вақтида биз ХХР билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва дўстона ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш борасида Сиз, Жаноби Олийлари билан ақдилликка эришдик. Мен бундан буён ҳам Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда Хитой-Ўзбекистон муносабатларини муттасил ривожлантириб боришга, мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ҳамда халқларимизнинг фаровонлиги йўлида минтақадаги хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашга кўмаклашишга тайёрман.

Мамлакатингизга равнақ ва куч-қудрат, унинг халқига бахт-саодат тилаймиз.

Сиз, Жаноби Олийларига мустақкам соғлик, муваффақиятлар ва омонлик тилаб қоламиз.

Ху ЦЗИНЬТАО, Хитой Халқ Республикаси Раиси (Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазиридаги Болалар ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги ПФ-3481-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодини тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, Болаларни спорт билан мунтазам шугулланишга жалб этиш, шунингдек спорт иншоотларида самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Болалар спортини ривожлантириш ва аниққса қишлоқ жойларда ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шугулланишга оммавий жалб этиш умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурининг ажралмас қисми деб ҳисоблансин.
2. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазиридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда)

УШАЛГАН ОРЗУ

бу инсон машқ қилишдан, чинқишдан чарчамасди. «Муҳими биринчи муваффақиятнинг кўлга киритиши, кейин бу ёғи осон қўлади» дея таъкидларди у. Сидней Олимпиадасида Артур кўнглидагидек иштирок этиб, кумуш медалга сазовор бўлганди.

Бу муваффақият Таймазовга куч-қувват бағишлади, галабага бўлган ишончини мустақкамлади. Ниҳоят, у энг катта орзусига эришди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

спорт устаси, Осиё ва Жаҳон чемпиони, катор халқаро турнирлар голиби Олимпиада чемпиони бўлишдек улкан бахтга мушарраф бўлди. Афина гилавларида 120 килограмм вази тоифасида кураш тўшиб, барча рақибларини мағлуб этди. Унинг шаънига олқишлар янгради. Полвонимиз бу ажойиб галабаси билан мустақил Ўзбекистонимиз обрўсига-обрў қўшди.

Камол ОЛЛОЕВОВ, «Ишонч» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

(Боши 1-бетада)

3. Белгилансинки, Болалар спортни ривожлантириш жамғармасининг ижро этивчи директори аниқ бир вақтда лавозимига қўра Халқ таълими вазирлигининг уринбосари ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

4. Куйидагилар:

Жамғарманинг Хомийлик кенгаши ва Жамғарманинг минтақавий филиаллари хомийлик кенгашлари, уларга юқланган вазифалар ва ваколатлар сақлаб қолинсин, болалар спортни янада ривожлантириш чора-тадбирларини давлат сийсати даражасида амалга ошириш, ушбу мақсадга эришиш учун давлат тузилмалари билан бир қаторда ҳўжалик юретишчи субъектлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий хўмиларнинг маблағларини жалб этиш унинг асосий мақсади этиб белгилансин;

болалар спортни ривожлантириш ишида илгари Жамғарма Хўмилик кенгашининг қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Маҳалла» жамғармасига ва бошқа тузилмаларга юқланган вазифалар ва ваколатлар сақланиб қолсин.

5. Белгилансинки: Жамғарманинг шаҳарлар ва туманлардаги минтақавий филиаллари вакиллари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилади ва ўз фаолиятида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига ҳисобот беради;

болалар спорт иншоотларини қуриш ва уларни реконструкция қилиш дастурлари, Болалар спортни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари билан амалга оширилиши устидан назорат қилиш Жамғарма минтақавий филиаллари вакиллари асосий вазифаси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республи-

каси Халқ таълими вазирлиги Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури амалга оширилишининг муҳим таркибий қисми сифатида Болалар спортни ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирилган ишлар дастурини ишлаб чиқсин.

Болалар спортни ривожлантириш дастури ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурининг ўзаро боғлиқлиги бўйича ишларни мувофиқлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури амалга оширилиши мониторинги бошқармасининг болалар спортни ривожлантириш бўлимига юқлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки: Жамғарма маблағлари ҳисобига янгидан қуриш ва реконструкция қилиш йўли билан тикланаётган болалар спорт объектлари фойдаланиш учун туман (шаҳар) ҳокимият ва бошқарув органлари балансига берилади;

Жамғарма маблағлари ҳисобига қурилиш тугалланган ва реконструкция қилинган болалар спорт объектларини қабул қилиб олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарори билан тасдиқланган Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади;

болалар спорт иншоотларининг самарали фаолият кўрсатиши, улар қувватларидан энг тўлиқ фойдаланилишини таъминлаш, самарали фаолиятини ташкил этиш ва спорт секцияларини методик таъминлаш, уларни малакали спорт мураббийлари билан таъминлаш учун масъулият туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига юқланади.

8. Молиялаштириш манбаларидан қатъи назар болалар спорт иншоотларини

намунавий лойиҳалар қўлланилмасдан ҳамда тасдиқланган қурилиш нормалари ва стандартларига мувофиқ бўлмаган ҳолда қуриш ва реконструкция қилиш қатъиян тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

болалар спорт объектлари қуриш ва уларни реконструкция қилишга танлов пудрат тендер савдолари ўз вақтида ўтказилиши ва пухта ташкил этилишини таъминласин;

болалар спорт иншоотлари қуриш ва уларни реконструкция қилиш ишлари бажаришда намунавий лойиҳалар ва тасдиқланган қурилиш қондаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин. Бунда қурилаётган болалар спорт иншоотлари хавфсизлиги ҳамда кейинчалик улардан фойдаланиш жараёнида хавфсизлик талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

маҳаллий хомийларнинг маблағлари ҳисобига янгидан қурилатган объектлар ва реконструкция қилинаётган болалар спорт объектлари устидан техник назорат қилиш амалиётини жорий этсин.

9. Куйидагилар: Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига 3-б-иловалар (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юқлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг **Раиси** **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 август

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мустақиллик байрами кунда мен Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат, равнақ ва тинч-осойишта истиқболни тилаб билдирган энг эзгу истакларини ила гоът қизгин қутловларимни катта мамнуният билан йўллайман.

Елизавета ИККИНЧИ,
Буюк Британия Киноличаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами муносабати билан Польша халқи ва шахсан ўз номидан Сизга ҳамда бутун Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ва эзгу тилаклар йўллайман.

Ишончим комилки, замонавий демократик давлатни барпо этишдаги изчиллик Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ўсишига юқмаклашади, бу эса ўз навбатида кейинги йилларда янгича ҳўжинлик касб этган Польша-Ўзбекистон муносабатларини янада ривожлантиради. Сизни ишонтириб айтаманки, Польша мамлакатларини ўртасидаги ҳамкорлиқнинг бундан буён ҳам мустаҳкамлашидан доимо манфаатдордир.

Шахсий ҳаётингизда омонлик ҳамда Ватан манфаатлари йўлидаги масъулиятли хизматингизни бажаришда кўндан-кўн муваффақиятлар тилаб билдирган эзгу истакларимни қабул қилишингизни сурайман.

Александр КВАСЬНЕВСКИ,
Польша Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами - 1 сентябр -Мустақиллик кўни муносабати билан Болгария халқи ва шахсан ўз номидан гоът самимий қутловларимни қабул қилаёйман.

Сизни ишонтириб айтишга ижозат бергайсизки, 2003 йилнинг ноябрида Сизнинг Болгарияга буюрган давлат ташрифингиз ва ўшанда эришилган ахдлашувлар икки томонлама сийсий мулоқоти, мамлакатларимизнинг, болгар ва ўзбек халқларининг дўнбда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги дўстона муносабатлари ва ўзаро фойдали ҳамкорлигини ривожлантириш омили бўлиб хизмат қилди.

Жаноби Олийлари, фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган чўкур эҳтиромимни яна бир бор изҳор этман ҳамда мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва Ўзбекистон Республикасининг равнақи йўлидаги юқсак масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Георги ПАРВАНОВ,
Болгария Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг 13 йиллигини нишонлаши муносабати билан Исроил халқи ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига қизгин қутловлар ва эзгу тилакларимни йўллаб, Ўзбекистон ва унинг халқига доимий тарқийёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Чўкур эҳтиром ва эзгу тилаклар ила,
Моше КАЦАВ,
Исроил Давлати Президенти

Истиқлол йилларида Олмалик шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги мактаб ва коллежлар, шифо масканлари, раён кўчалар қурилди. Бундай хайрли ишларда Олмалик кон-металлургия комбинати жамосининг ҳам улкан ҳиссаси бор.

МЕТАЛЛУРГЛАР МУРУВВАТИ


Олмаликдаги 80-максус мактаб-интернатда 250 нафар ногирон бола таълим-тарбия олади. Утган асрда қурилган интернет биноси анағина таъмирталаб бўлиб қолган эди.

Муассасанинг бу аҳволи комбинат жамосини бефарқ қолдирмади. Уни тўлиқ қайта таъмирлаш, замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозлаш учун 400 миллион сўм маблағ ажратди. Интернетда болаларнинг яшashi ва билим олиши учун барча шароит яратилди.

Истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилган мактаб-интернатнинг оқилишида сузга чиққанлар юртимизга ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Бундай улкан эътибор учун Юртовчиимизга миннатдорлик билдирди.

Шу кўни шахардаги яна бир таълим маскани - Олмалик сановат касб-ҳунар коллежининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди.

ДЕҲҚОН ҚАЛБИ ДАЛАГА ТАЛПИНАДИ



Абдураим ака билан бундан 10 йил илгари учрашгандик. Ушанда Шаханд қишлоғидаги шинам боғда пахтачилик соҳасидаги илғор тажрибаларни омма-лаштириш ҳақида гап борганди. Қатор заршунослар сўз олиб, мўл, арзон ва сифатли ҳосил этиштириш йўли-йўриқлари ҳақида батафсил гапирдилар. Бирок, уста деҳқон Абдураим Хамидов фикрини лўнда ифодалади:

— Ҳақиқий деҳқон эрни эъзозлайди, унга меҳрини пайваста этади. Замин мадалий ўғитга тўйинсагина қутилган ҳосилни беради. Хал қилувчи паллада дала соҳибни бир қадам ҳам жиҳтмаслиги керак. Ҳар туп ўзга-га қалб қўри, меҳр зиёсини бахшида этсақина, кузакда юзимиз ёруғ бўлади. Ер билан тиллаша олмайдиган инсон чиранмасин.

Абдураим аканинг дилидан чиққан бу сўзлар қанчалик тўғрилигини ҳаёт неча бор исботлади. Бир нарса биз - журналистларни ҳайратлантирарди. Дала дарғаси А.Хамидов гоътда камгап, камтарини ва камсуқум инсон. Ишни дўндириб, гектар ҳосилдорлигини бир йилда беш-етти центнерга оширган, шартнома режасини ошириб ўрилаган кезларда ҳам бирон марта бўлсин ўзини ажратиб кўрсатмаган. Сўнгги суҳбатдан кейин унинг муваффақиятлари беҳиз эмаслигини чўкур англадик.

Ёш Абдураимнинг болалиги оғир кечди. Отаси фронтга кетиб қайтмади. Уша изтирибли кезларда у ёш бўлса-да, онасига ва укалари ёрдамлашиш мақсадида қолдохта ишлади. Бир бурда нон топиш учун кечаю кундуз тиним билмасди. Қийин бўлса-да у деҳқончилик илмини, мураккаб шароитда пахтадан юқори ҳосил этиштириш сирларини кўн билан ўрганди. Унинг ҳаётида масъулиятли дамлар бошланди. Ҳақиқий деҳқоннинг ҳиссиоти, иккиланмай далага йўл олди. Тракторчига ёр-



дамчи бўлди. Бир йил ўтгач, «чопик трактори»ни мустақил бошқара бошлади. Шу куйи 16 йил механизаторлик қилди. Ер ҳайдади, ўза қатор ораларига ишлов берди, машинада пахта терди.

Кўнларнинг бирини уни ҳўжалик раҳбарлари йўқлаб қолди. Мақсадлари оғир шароитда фаолият юритаётган бригадани топиштириш экан. Абдураим Хамидов иккиланмай тақлифини қабул қилди. Унинг ҳаётида масъулиятли дамлар бошланди. Ҳақиқий деҳқоннинг ҳиссиоти, иккиланмай далага йўл олди. Тракторчига ёр-

йили баҳор ниҳоятда серд-дин келди. Чигит қайта экилди. Шунда ҳам Абдураим ака бошлиқ жамоа аъзолари омиқкорлик ва ташаббускорлик билан ишлаб, ҳар туп ўзадан баракали ҳосил тўплашга мураффақ бўлишди. Натига кутилганидан ҳам яхши бўлди.

Мустақиллик барча қатори деҳқон фарзанди Абдураим Хамидовга ҳам кенг имкониятлар эшигини очди. У пудрат асосида ишлаб, одати бўйича эрни эъзозла-ди. Шудгорни ниҳоятда сифатли ўтказиб, жойлардан маҳаллий ўғит ташиб келтирди. Ҳосил тақдирини ҳал бўлаётган дамларда кечаю кундуз ниҳоллар атрофида парвона бўлди. Натигада ўтган йили бош пудратчи Хамидов ўз шогирдлари билан ҳар гектардан 40 центнердан юқори сифатли пахта ҳосили олишига эришди. Бу йилги ниети эса мазкур кўрсаткични 42 центнерга етказди.

Йиллар мобайнида Абдураим ака пахтачиликда эъзи-

га хос мактаб яратди. Унинг бой тажрибаси эндиликда кенг оммалашиб бормоқда. Унинг тажрибасидан баҳраманд бўлаётган Абдураим Фойлов, Ҳабибулла Юсупов, Ёқубжон Деҳқонов, Турсунали Мирзаахмедов каби миришкорлар ҳам юқори марраларни кўзлашмоқда.

Орзу-ҳавасга, обрў-эътиборга меҳнат орқали эришилади. Тўрақўрган туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигининг пудратчиси Абдураим Хамидов Ўзбекистон Президентининг Фармонига кўра «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганда қадрдонлик барча деҳқонларни руҳлантириб юборди. Хушхабарни эшитиб, кутлуг хонадон сари ошдикди. Файли ҳовли қадрдонлар, кўни-кўшилар билан тўла. Улар Абдураим акани самимий муборакбод этиб қутлашарди. У эса ҳамон бир-де — қўли қўксига, камтар, камсуқум, «Ҳўқумати»мизга, Президентимизга қулқул. Мендек оддий деҳқонни осмон қадар улуғлашди. Миннатдорчилигини сўз билан ифода қилолмайман», дейди у ҳамқишлоқларига.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШАНЛАР

Кармана туманидаги Кодир Рахимов номи ширкат ҳўжалигининг Хостакўрғон қишлоғида яшовчи Мамашариф Восиев хонадони мустақиллик байрами арафасида янада гавжум бўлди. Туман ҳокимлиги, ижтимоий таъинот бўлими, «Маҳалла» жамғармаси ва бошқа қатор ташкилотлар вакиллари отахонни 100 ёшга қиргани билан табриклашди.

Бу бошим нималарни кўрмади, - дейди Мамашариф бобо. - Ёшлигимдан етим қолиб бойлар қўлида ишладим. Сўнгра, Бухорода муаллимлар тайёрлаш мактабини тугатиб, қишлоқда ўқитувчилик қилдим. Ишдан кейин даладагиларга ёрдам бердим. Иккинчи жаҳон урушига бордим. Минг қатна шуқурили, юртимизнинг мустақиллигини кўриш насиб этди. Қатагон йиллари шахид бўлганлар хотираси қайта тикланди. Бу кўнларнинг қадрига етишимиз керак, болаларим!

Шу ҳўжаликнинг Янгирек қишлоғида яшовчи Қомат бобо Гафоров ҳам юз ёшни қаршилади. Бугунги кунда отахоннинг қирққа яқин невараси, 45 нафар эвара-чевараси бор. Қомат бобо - умрини деҳқончилик билан ўтказётган инсон.

Хали тетикман, - дейди Қомат бобо. - Бир йилнинг ишини қила оламан. Раҳматли, бобом 120 ёшда қазо қилгандилар.

Байрам арафасида тумандаги яна 134 нафар юз ёшни қаршилаётган отахон ва онахоннинг ҳолидан хабар олинди. (ЎзА)



Чўлнинг табиати қизик. Қутилмаганда хаво айниб, қўнқар томондан қора қўн қўтарилди. Мухаммад-жон машина ойнасига чирсиллаб урилатган кум ва хас-чўлларга тикилганча ҳайла қўмди. «Ҳўжаликнинг сўнгги участкасида деҳқончилик қилаётган миришкорлар ҳузурида вақтида этиб боролмасам ҳосил нобуа бўлиши мумкин. Энди ҳамма умид агрономдан. У ташкилотчилик, қатъиятлик кўрсатиб кўннинг бошини қовуштира оласа, ташвишли ҳолни бартараф этиши мумкин». У шуларни ҳайлдан ўтказаркан чўкур ух тортиди. Ҳўжалик раҳбарини, пахтакор ҳаёти нақадар машаққатли. Катта ҳўжаликка бош бўлибдики, тиним нималигини билмайди. Ярим кечада уйига маржониз қайтиб, фарзандларини оталик меҳри ила эрқалолмайди. Тонг отмасдан яна далада, фермада...

Қизил империя даврида ҳамма нарса юқорининг буйруғи билан бўларди. Махлис-бозлик авжига чиққан. Баъзида арзинмаган маълумотни етказиш учун кўнига икки-уч марта райкомга қақришган вақтлар бўлган. Ахир, чўлдан дамба-дам марказга қатнаш, бўлар-бўлмаста танбех эшитиш осонмасди. Мухаммад-жон Абдувалиевнинг темир иродаси, маҳаллий шароитни, одамларни яқин биланлиги ва кўпга суяна олганлиги чўл машаққатларини вақтида бартараф этиш имконини берди. Аслида бундай иш-лашга темир одам ҳам қид-

масди. Кўнларнинг бирини «Тез ёрдам» машинасидагилар қидира-қидира директорни барханлар орасида хўсиз ётганда тасоффидан топиб олдилар. Жигари қаттиқ оғриб ўзидан кетган экан.

Чўлда дастлабки ташкил этилган ҳўжалиқлардан бири «Янги турмуш» қолдохта агроном бўлиб ишлаганида, белгиланган юмушларга улғурши учун 24 соат етмасди гўё. Одамлар елкама-елка туриб, жасорат кўрсатиб ишладилар. Тўқайларга ўт қўйиб, чанг, ту туни ютиб, балчиқка беланлиб янги ерлар ўзлаштирдилар. Қизик, маъмулар негадир фа-



кат пахта талаб қилишарди. Пахтазорларни кенгайтириш, юқори ҳосил олиш ҳақидаги гаплар мўйдек ёқарди эътиборсизликдан қуриб қолаётган боғ-роғлар, деҳқоннинг аянчли турмуш тарзи, қишлоқларнинг ободонлаштириш ҳақида гапирганлар эса балога қолар-

ишлади. Ташкилотчи, масъулиятли юз зиммасига ола билдирган чўлқуварни кейинчалик ўтириб қолган ҳўжаликка раҳбар этиб юборишди. Фидойи меҳнат ўз мевасини берди. Ҳўжалик пахтачиликда машаққатлардан бирига айланди. Энди Андижон вилояти бўйича Мухам-

маджон Абдувалиев номи энг бообўр раҳбар, пахта илмининг устаси сифатида тилга олинарди. Лекин ҳаёт деганларни қизик экан. Қутилмаганда ҳамма иш чаппасига кетди. «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» никоби остида ақл бовар қилмайдиган ишлар, зуравонликлар амалга оширилди бошланди. Уша кезлар директор Мухаммаджон Абдувалиев пайкал оралаб, ҳосил чўғини қўздан кеңираётган бир пайтада унинг қаринисида махсус қиймадди ногўлқулар гитлар пайдо бўлишди. Йил ҳеч нарса демай ҳўжалик раҳбарини зўрма-зўрак машинага ўтказиб олиб кетишди. Оғир темир эшик ёпилиб, зах тортиган хонада ўзи ёлғиз қолгани

Бу кўнларга осонликча эришилмади

да хибга олинганлигини тушунди. «Қайси гуноҳим учун, айбим нима ўзи?» деган саволлар унга тинчлик бермасди. Ун кун ичида у раҳбарлик қилаётган совхоздан 16 киши хибга

муҳаб қўйишди. Касали зўрайди, ўзига ҳўрлиги келиб руҳан азоблариди. У хотини ва фарзандларига ҳам ниҳоятда қийин бўлганлигини сезарди. Бир кўни қизи Умидахон билан

бўлди. Президентимиз Фармони шарофати ила қанчадан-қанча ноҳақ қамалган, ҳўрланган кишилар жазони ўташ маҳкамаларидан озод бўлиб, қадрдон оилаларига қайтидилар.

Рохат-фароғатдан кечиб, соғлигини ўйламай, баъзида тонгини тунга улаб меҳнат қилган, бутун умр етиштирган пахтасидаги ишларни тўхташмасди. Фарзандини бошқариб қўриш ота учун нақадар азоблигини бошига тушганларига билди. Ҳамма даҳшат ҳали олинди экан. Адолатсизликка, ҳўрликка қидолмаган қизи Умидахон оламдан армон билан қўз юмди. Хонадон соҳибаси бужайиб қолди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов салтанат тепасига келган дастлабки кўнларданок элим, юртим деб, адолат тантанаси учун қаттиқ курашди. «Пахта иши» жабр-дийдалари дардига малҳам

кўришишга руҳсат беринди. Қизининг чехраси синиккан, ич-ичидан эзилаётгани сезилиб турарди. У отаси билан қўришаркан кўзларидан тўқилаётган ёши тўхташмасди. Фарзандини бошқариб қўриш ота учун нақадар азоблигини бошига тушганларига билди. Ҳамма даҳшат ҳали олинди экан. Адолатсизликка, ҳўрликка қидолмаган қизи Умидахон оламдан армон билан қўз юмди. Хонадон соҳибаси бужайиб қолди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА ЎН УЧ ЙИЛ!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Азиз замондошим, руҳинг — беором,
Аммо ишончингдан зиё таралсин —
Ҳар тонг «Ё ВАТАН!» деб сачраниб уйғон,
Дилингда — Куръондай — ВАТАН яралсин!*



БУХОРО ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Жаҳон ичра буюк юртини
улуғ достон этайлик биз,
Замон келди Ватан бағрин
ғўзал бўстон этайлик биз*



БЕРУНИЙ ПАХТА ТОЗАЛАШ
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*Она Ўзбекистонимизга
кўз тегмасин.
Осмонимиз ҳамиша
мусаффо бўлсин,
хонадонларимиз қут-
баракага тўлсин
Энг улуғ, энг азиз
байрам муборак!*



«ХОРАЗМГАЗ» ҲУДУДИЙ ГАЗ
ТАЪМИНОТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Юртимиз фуқаролари ҳамда тармоқ
ходимларини Ўзбекистон
мустақиллигининг 13 йиллиги билан
самимий муборакбод этади!*



